

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УЎК: 657.6:338.439.65(575.1)

ЭШМУРАДОВ УЛУҒБЕК ТАШМУРАТОВИЧ

**АГРОКЛАСТЕРЛАРДА СОТИШ ЖАРАЁНИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор Аликулов Абдимўмин Исматович

ТОШКЕНТ – 2025

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. АГРОКЛАСТЕРЛАРДА СОТИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	14
1.1-§. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида агрокластерларда сотиш жараёнининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.....	14
1.2-§. Агрокластерларда сотиш жараёнларининг ўрни, турлари ва ташкил этиш хусусиятлари	25
1.3-§. Сотиш жараёнлари аудитининг аҳамияти ва норматив-услубий таъминланганлиги.....	36
I боб бўйича хулоса	46
II БОБ. АГРОКЛАСТЕРЛАРДА МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР СОТИШ ЖАРАЁНИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..	48
2.1-§ Сотиш жараёнларининг дастлабки ҳисоби ва ички сотишда трансферт баҳолардан фойдаланиш.....	48
2.2-§ Агрокластерларда ички сотиш жараёнида трансферт баҳоларни белгилаш усуллари тақомиллаштириш.....	60
2.3-§ Бошқарув ва молиявий ҳисобда маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш ҳисобини тақомиллаштириш	73
II боб бўйича хулоса	85
III БОБ. АГРОКЛАСТЕРЛАРДА СОТИШ ЖАРАЁНЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	88
3.1-§ Агрокластерларда сотиш жараёнлари аудитини ташкилий- услубий жиҳатлари.....	88
3.2-§ Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш жараёнлари аудитининг ҳозирги ҳолати.....	95
3.3-§ Агрокластерларда сотиш жараёнлари аудитини аудитнинг халқаро стандартларига трансформацияси.....	108
III боб бўйича хулоса	121
ХУЛОСА	124
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	127
ИЛОВАЛАР.....	141

КИРИШ

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг халқаро тажрибаларининг кейинги йиллардаги таҳлили ҳар бир мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда, инвестицион жозибадорлик учун шароитлар яратиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда агрокластерларнинг ўрни ва аҳамияти юқори эканлигини кўрсатмоқда. Жаҳон савдосида “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари бўйича қараганимизда, уларнинг ҳар бир турининг жаҳон савдосидаги улуши 9% дан ошмайди. Экспортда биринчи ўринда гўшт ва гўшт маҳсулотлари 8,0 фоизни ёки қиймат жиҳатидан 153,5 миллиард долларни ташкил этган. Кейинги ўринларни донли экинлар (152,8 млрд. доллар), мойли экинлар (149,5 млрд. доллар) ва мева ҳамда ёнғоқлар (146,1 млрд доллар) эгаллаган”¹. Қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлиги даражасини оширишнинг жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, мамлакатимизни халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлиши кутилаётган даврда, аграр соҳа тармоқлари барқарорлиги, ички бозордаги мувозанатни таъминлаш билан бир қаторда, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда юқори самарадорлик ва рақобатбардошлик даражасига эга бўлган қишлоқ хўжалигини шакллантиришга устувор мақсад сифатида қаралмоқда.

Ҳар бир мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида

¹ <https://mgimo.ru/upload/2023/07/mirovaya-prodovolstvennaya-bezopasnost-i-mezhdunarodnaya-torgovlya-produkciej-apk-2022-23.pdf?utm>

аграр соҳада фаолият юритишнинг янги тизими - кластер усули жорий этилди. Қисқа давр мобайнида кластер усулида фаолият юритиш ўзининг ижобий томонларини кўрсатди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш ва янги иш ўринларини яратиш, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, инфратузилмани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Биргина пахтачилик соҳасида пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этилиши, “2023-йилда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш 94 триллион сўмга етиб, сўнгги 7 йилда 4,2 бараварга ошиб, тармоқдаги экспорт 3,1 миллиард долларни ташкил этди”².

Экишдан то тайёр маҳсулотгача бўлган жараёни ягона технологик занжирга бирлаштирган агрокластерларда инновацион иқтисодиётга ўтишнинг барча шароитлари мавжуддир. Бунда илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграцияси чуқурлашди, янги инновацион технологияларни амалиётга жадал жорий этишга қулай шароит яратилади.

Жаҳон амалиётида агрокластерлар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизими яратилган. Шу билан бирга, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга уни ўз вақтида сотиш лозим. Бунинг учун хўжалик механизмининг барча элементлари мукамал бўлиши ва фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ бўлиб, сотиш жараёни ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш борасида бир қатор қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга тадбиқ этилиши хўжалик юритувчи субъектларда, жумладан агрокластерлар фаолиятида ҳам бухгалтерия ҳисоби

² <https://parliament.gov.uz/news/toqimachilik-sohasida-ip-kalavani-qayta-ishlash>